


Тазкия дарслари (21-дарс). Тариқат силсиласи (давоми)



14:00 / 22.02.2019 5585

Саййид Нурмуҳаммад Бадавуний қуддиса сирруху

Бу зотнинг туғилган ерлари ва йиллари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Аммо ҳижрий 1135 сана, милодий 1722 санада Бадавунда вафот этганлари маълум ва машҳурдир.

Саййид Нурмуҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳи ўрта бўйли, қорамтир рангли ва сийрак соқолли бир зот эдилар. У кишининг пешоналарида нур аломати бор эди.

Саййид Нурмуҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳи ёшлик чоғлариданоқ ўзларини илм ва тақвога бағишлаган эдилар. У киши сарф, наҳв, мантиқ, ҳадис ва тафсир каби илмларда пешқадам эдилар. Шариат ва тариқат илмларида ўз замонасининг алломаси эдилар.

Саййид Нурмуҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳи шайх Сайфуддин раҳматуллоҳи алайҳига шогирд тушдилар ва тез орада у зотнинг халифаларига айландилар.

Саййид Нурмуҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳи тақвода юксак даражаларга эришган эдилар. Ўзларига керакли ноннинг унини ҳалолдан топиб, ўзлари хамир қориб, ўзлари нон ёпар ва уни қуритиб олиб, фақат жуда муҳтож бўлганларидагина тановул қилар эдилар.

Сайид Нурмуҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳи аҳли дунё билан кўришишдан қочар эдилар. Бирор китобни олсалар, уч кундан кейин мутолаа қилишга киришар эдилар.

Сайид Нурмуҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳи қалблардан воқиф эдилар. Ўз шогирдларининг мушкулотларидан доимо хабардор бўлиб, уларни тезда ҳал этар эдилар.

Сайид Нурмуҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳи силсила омонатини шайх Сайфуддин ҳазратларидан олганлар.

Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин қуддиса сирруҳу

Бу зотнинг туғилган ва вафот этган ерлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Аммо туғилган йиллари ҳижрий 1113 сана, милодий 1701 сана, вафот этган йиллари эса ҳижрий 1195 сана, милодий 1781 санадир.

Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳи узун бўйли, ҳайбатли, кулча юзли, буғдой рангли, сийрак соқолли ва маҳобат соҳиби бўлган бир зот эдилар.

У киши Муҳаммад ибн Ҳанафий розияллоҳу анҳунинг наслларидан бўлган сайидлардан эдилар.

Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳи ўн олти ёшга кирганларида оталари Мирзажон вафот этдилар. Отадан ажраб қолган Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳи ўн саккиз ёшларида сайид Муҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳига байъат қилдилар. У кишининг хизматларида тўрт йил бўлиб, сайри сулук илмини охирига етказдилар. Кейинроқ ўз устозларига халифа бўлиб, хирқа кийдилар.

Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳи ўз устозлари ва шайхларининг вафотларидан кейин бошқа шайхларга ҳам хизмат қилдилар. У киши Нақшбандия, Қодирия, Мужаддия, Чистия ва Сухравардия тариқатлари бўйича изн олиб, изн берганлар.

Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий 1195 сана, тўққизинчи муҳаррам, жума куни Фотиҳа сурасини ўқиб бўлиб, «Аллоҳ! Аллоҳ!» дея жон таслим қилдилар.

Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳи силсила омонатини сайид Муҳаммад Бадавуний раҳматуллоҳи алайҳидан

олганлар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий қуддиса сирруҳу

Улуғ шайх Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий 1158 сана, милодий 1745 санада Панжобнинг Вайтала номли ерида таваллуд топдилар ва ҳижрий 1240 сана, милодий 1824 санада Деҳлида вафот этдилар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи ўрта бўйли, қорамтир рангли, сийрак соқолли ва кулча юзли бир зот эдилар. У кишининг насаблари ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга мансуб бўлиб, саййидлардан эдилар. Илмда эса нодир алломалардан бўлганлар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳининг падари бузурукворлари саййид Абдуллатиф ҳазратлари аҳли фазл кишилардан бўлиб, Қодирия тариқатига мансуб солиқлардан эдилар. Саййид Абдуллатиф ҳазратлари бир куни туш кўрсалар, ҳазрати Али розияллоҳу анҳу у кишига:

«Эй Абдуллатиф! Ҳақ таоло сенга бир ўғил фарзанд беражак. Сен уни исмимиз ила атагин», дебдилар.

Бола туғилганда отаси унга Али Абдуллоҳ деган исми қўйди. Бола ёшлигидан одоб ва илм йўлида улғайди. У ўн уч ёшга кирганда отаси уни қодирий шайхларга дарсга берди. Шоҳ Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи айна илм олиш босқичида турганларида устозлари шайх Насруддин ҳазратлари вафот этиб қолдилар. Шунда оталари у кишига:

«Ўғлим! Бу ерда қолиш тузсиз тош ялаш билан баробар бўлиб қолди. Бошқа бир завқли ва шавқли ерни ахтар», дедилар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи ўн беш ёшларида Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳининг хизмат ва суҳбатларига кирдилар. Бу устознинг ҳузурларида Нақшбандия тариқатининг сайри сулугини батамом эгалладилар. Кейинчалик саъй-кўшиш қилиб, Қодирия, Чиштия ва Суҳравардия тариқатларидан ҳам дарс олиб, халифа бўлдилар. Устозлари фоний дунёни тарк этганларидан кейин эса у кишининг ўринларини эгалладилар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи: «Нақшбандия йўли тўрт масаладан иборатдир:

Хавотирни даф этмоқ;

Ҳузур ҳолининг бардавом бўлмоғи;

Жазба;

Варидат», дер эдилар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳининг муридлари жуда ҳам кўп эди. У киши уларнинг тарбиясини аъло даражада олиб борар эдилар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий 1240 сана, сафар ойининг йигирма иккинчи куни ишроқ вақтида, етмиш икки ёшларида бу дунёни тарк этдилар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи силсила омонатини Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддин раҳматуллоҳи алайҳидан олган эдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий қуддиса сирруҳу

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий 1193 сана, милодий 1779 санада Мосил вилоятининг қишлоқларидан бири бўлган Сеҳризорда таваллуд топдилар ва ҳижрий 1242 сана, милодий 1826 санада Шомда вафот этдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи узун бўйли, ҳайбатли жуссали, оқ қирмизи рангли, йирик ва қора кўзли, бурунларининг ўртаси ингичка, сийрак тишли, кулча юзли, катта ва сийрак соқолли, кенг кўкракли, узун қўлли ва маҳобатли бир зот эдилар.

У киши ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг наслдан эдилар. Ўзлари аллома ва мужаддид эдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи ёшликларидан илмга жуда ҳам қизиққан эдилар. У киши Сулаймония мадрасасида замоннинг улуғ олимларидан сарф, наҳв, фикҳ, мантиқ, илми калом ва бошқа илмлардан дарс олдилар. Кейинроқ Бағдодда тафсир ва усули ҳадис каби катта илмларни ҳам пухта ўзлаштирдилар. Аммо бу билан ҳам у кишининг илмга бўлган ташналиклари қонмади. Қўшни юртларга бориб, ҳисоб, ҳандаса, истирлоб, ҳайъат каби зоҳирий илмларни ҳам ҳосил қилдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи бу илмларни пухта ўрганиб олганларидан кейин тариқат илмини ўзлаштиришга киришдилар. У киши ҳаж қилиш мақсадида Ҳарамайни Шарифайнига бордилар. Йўлда Шомга кирдилар ва у ерда ҳадиснинг улуғ олимларидан ҳадис илмини ўргандилар. Бир қодирий шайхдан ул тариқатнинг ижозатини олдилар. Сўнгра ҳаж ибодатини адо этдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи ҳаждан қайтишда Сулаймонияга кирдилар. У ерда Муҳаммад Дарвеш Азимободий ҳазратлари билан кўришдилар. У киши мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳига Ҳиндистонга бориб, Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратларига шогирд тушишни тавсия қилдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи ҳажда юрганларида ҳам баъзи кишилардан худди шу тавсияни олган эдилар. У киши бу тавсияларга амал қилиб, бир йил йўл юриб, Ҳиндистонга етиб бордилар ва Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратларига қўл бердилар. У кишининг тарбиясида камолга етдилар.

Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратлари мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳини жуда ҳам ҳурмат қилар эдилар. У киши бу шогирдлари отининг узангисини тутар ва отга мингазар ҳамда ҳақларига кўпгина мақтов сўзларини айтар эдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи ўз устозлари билан охириги марта кўришганларида у кишидан Нақшбандия, Қодирия, Суҳравардия, Чистия ва Кубровия тариқатларидан ижозат олдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий 1226 санада яна Сулаймонияга қайтиб келдилар. У киши ўттиз беш ёшларида иршодга бошладилар ва муридлардан қўл олишни йўлга қўйдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи кейин Бағдодга келиб, етти йил давомида талаба етиштирдилар. Кейин Шомга қайтиб, Солиҳия деган жойда даргоҳ қуриб, халқнинг тарбияси билан машғул бўлдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи мужаддид ўлароқ шарият ва тариқатга асри саодат нафасини қайтарган зот эдилар, дейишади тарихчиларимиз.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи Шомнинг Солиҳия номли жойида олтмиш уч ёшларида вафот этдилар.

Мавлоно Холид Зиёуддин Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи силсила омонатини Шоҳ Али Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратларидан олган эдилар.

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобидан